



Some considerations on the etymological and lexical-semantic characteristics of English proverbs

Shakhobiddin ASHUROV¹

Samarkand State Institute of Foreign Languages

ARTICLE INFO

Article history:

Received June 2023

Received in revised form
10 June 2023

Accepted 25 July 2023

Available online

15 July 2023

Keywords:

proverbs,
synonymous proverbs,
antonymous proverbs,
variance,
etymology,
semantics,
lexical component.

ABSTRACT

This article discusses the lexical, semantic, structural, and etymological features of English proverbs. In particular, the variants of English proverbs in Uzbek, and their semantic and structural features are analyzed. Also described are studies on the etymology and lexical and semantic characteristics of proverbs, such as synonyms, antonyms, and variants.

2181-3701/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-3701-vol1-iss4-pp6-12>

This is an open-access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Инглизча мақолларнинг этимологик ҳамда лексик-семантик хусусиятларига доир айрим мулоҳазалар

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

мақол,
синоним мақоллар,
антоним мақоллар,
вариантланиш,
этимология,
семантик,
лексик компонент.

Ушбу мақолада инглиз тилидаги мақолларнинг лексик, семантик, структур ҳамда этимологик хусусиятлари борасида фикр юритилган. Хусусан, инглизча мақолларнинг ўзбек тилидаги муқобиллари, уларнинг этимологик, семантик ҳамда структур хусусиятлари таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолларнинг синоним, антоним, вариантланиш каби лексик-семантик хусусиятлари ҳамда келиб чиқишига оид тадқиқотлар баён қилинган.

¹ Professor, PhD, Samarkand State Institute of Foreign Languages. E-mail: shahobashurov576@gmail.com

Некоторые соображения по этимологическим и лексически-семантическим характеристикам английских пословиц

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

пословицы,
синонимичные
пословицы,
антонимичные
пословицы,
вариантность,
этимология,
семантика,
лексический компонент.

В данной статье рассматриваются лексические, семантические, структурные и этимологические особенности английских пословиц. В частности, анализируются варианты английских пословиц на узбекском языке, их семантические и структурные особенности. Также описаны исследования по этимологии и лексико-семантической характеристике пословиц, таких как синонимы, антонимы, варианты.

Тилшуносликда фразеологиянинг бир тармоғи ҳисобланмиш паремиология тилнинг беқийс бойликларини, чексиз имкониятларини ҳамда тилнинг ўзига хос тарихий-тараққиёт босқичларини акс эттирувчи лексик қатлам сифатида намоён бўлади. Айни пайтгача бу бой хазинанинг бадиий тили, услубий ҳолатлари ва лексик хусусиятларини ўрганиш бўйича муайян натижаларга эришилган. Ушбу мақолада уларни лексик-семантик ҳамда этимологик хусусиятларини, мақолларнинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда маълум бир кичик мавзулар доирасида тадқиқ қилишни лозим топдик. Биз таҳлил жараёнида бир неча турфа мавзуларни ўзида мужассам этган мақолларга дуч келдик. Хусусан, ватанпарварлик ва хоинлик, меҳнатсеварлик ва ишёқмаслик, ҳалоллик ва текинхўрлик, тўғрилиқ ва ўғрилиқ, яхшилик ва ёмонлик каби контрастив ҳолатлар шулар жумласидандир.

Нутқда қолаверса, бадиий асарлар таржимасида, албатта, бундай паремиологик бирликлардан ҳам фойдаланишимизга тўғри келади. Маълумки, тилга оид бу каби бирликларни таржимада талқин этилиши таржимондан катта маҳорат талаб этади. Чунки, бундай паремиологик бирликларни таржима қилишда ҳар бир мамлакатнинг миллий урф-одатлари, маънавият ва маданияти, турмуш тарзидан келиб чиққан ҳолда уларга семантик жиҳатдан тўғри ёндаша билиш талаб этилади.

Жумладан, бадиий асарлардаги мақолларни таржима қилишда, бизнингча, сўзма-сўз таржима ҳеч қандай яхши самара бермайди. Мақолларни бир тилдан бошқа тилга ўгиришда берилган мақолга ўгирилаётган тилда маъносига кўра мувофиқ келувчи бошқа бир мақолдан, яъни муқобилидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Мақолларни ёдда сақланиши, албатта, уларнинг ягона умумий лексик-семантик маънони бериши ҳамда уларнинг деярли барчаси бошқа тилда ўз муқобилига эга эканлигига кўра уларни тушуниш ва қабул қилиш бир-мунча осон кечади.

Инглиз тилидаги мақолларни лексик-семантик жиҳатдан таҳлил қилиш жараёнида уларга хос бир қанча хусусиятларни ойдинлаштиришга мувофиқ бўлди. Хусусан, улардаги вариантланиш, кўп маънолилиқ ва уларнинг этимологиясига оид хусусиятлар шулар жумласидандир.

Инглизча мақоллар таркибидаги сўзларни лексик-семантик жиҳатдан таҳлил қилишдан олдин шу нарсага эътибор қаратишни лозим топдикки, қўлланиш частотаси анча юқори ёки аксинча, яъни айрим сўзларнинг эса қўлланиш частотаси анча паст эканлиги яққол кўзга ташланди. Мисол тариқасида биз уларни луғат таркибидаги айрим ҳарфлар мисолида таърифлашга ҳаракат қилдик.

Луғатдаги кенг частотали, яъни кенг қўлланадиган сўзларга дуч келмадик. Унда мақоллар таркибидаги сўзлар хилма-хиллиги диққатга сазовордир. Масалан: *ass, all, argue, arrive, apple, accident* каби сўзлар шулар жумласидандир. Луғатдаги *bird, beginning, beggar, business, cat, child, company, cloud, cock, dog, devil, death, do, day, doing, drop, door, experience, egg, fool, fish, friend, fire, fortune, father, horse, hand, heart, honour, hope, hare, house, hour, hunger* сингари сўзлар инглизча мақоллар таркибидаги кенг частотали етакчи сўзлар сифатида хизмат қилади. Луғатдаги *bird, cat, dog, fool, horse, hand* сингари сўзлар инглизча мақоллар яратишдаги асосий таянч сўзлар сифатида хизмат қилиши маълум бўлди.

Шунингдек, мақолларни лексик жиҳатдан кузатиш давомида уларнинг келиб чиқиш асослари ёки этимологияси бўйича қайси тил ҳамда манбага хос эканлигига ҳам эътибор қаратдик. Улар орасида лотин, француз, шотланд ва бошқа тилларга хос ҳамда Инжилга ва Шекспир ижодига алоқадор мақоллар мавжудлиги ҳам аниқланди. Масалан:

Инглизча мақол:	Ўзбекча Талқини:	Келиб чиқиш асоси
<i>Fish begins to stink at the head</i>	<i>Балиқ бошидан сасийди.</i>	лотин тили
<i>When the fox preaches, take care of you geese</i>	<i>Тулки хушмуомала бўлдими, сен ундан қоч.</i>	француз тили
<i>Burnt brains dread the fire</i>	<i>Сутдан оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичади.</i>	шотланд тили
<i>Too swift arrives as tardy as too slow</i>	<i>Ўта шошма-шошарлик ҳам кечикишга сабаб бўлиши мумкин.</i>	Шекспир ижоди

Шуни таъкидлаш керакки, мақолларнинг ёзма манбалари унинг келиб чиқиши ва тарихини аниқлашда ягона асос бўла олмайди. Р.Ридоут ва К.Уиттингларнинг фикрича, *“Call a spade a spade”* мақоли замонавий инглиз тилида XX аср бошидан буён кенг қўлланила бошланганлигини Арнолд Беннеттнинг *“The Card”* (1911) романида берилганлигига асосланган ҳолда таъкидлаб ўтишган (Ридеоут & Уиттинг, 1969: 67). Бундан хулоса қилиш мумкинки, у нисбатан яқинда пайдо бўлган, айниқса, у Оскар Уайлднинг машҳур *The picture of Dorian Grey* – *“Дориан Грей сурати”* (1890) романида бир хил шаклда ва бир хил маънода учрайди. Бироқ, бу мақол Библия шарҳида ҳам ишлатилган: *“Mellificium theologicum, or the marrow of many good authors”* (1647) by John Trapp (cf.: *Gods people shall not spare to call a spade a spade, a niggard a niggard*). Шунинг учун ушбу факт мақолнинг тарихини анча қадимги даврга тегишлилигини кўрсатади, лекин унинг адабий келиб чиқишини ҳам кўрсатиши мумкин, чунки у илгари ёзма манба сифатида қўлланилмаган. Шунга қарамай, Жон Трепп ҳам ушбу мақолни биринчи бўлиб ишлатган, уни бошқа муаллифнинг номаълум матнидан ўзлаштирмаган ёки тўғридан-тўғри оғзаки нутқдан ўзлаштирган деб бўлмайди. Бундан хулоса қилиш мумкинки, мақоллар этимологиясида нафақат ёзма, балки, оғзаки манбаларга ҳам эътибор қаратиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Айрим мақолларнинг келиб чиқиши, яъни этимологияси тўғрисида баъзи тарих билан боғлиқ қизиқарли маълумотларни ҳам кузатишимиз мумкин. Масалан, *walls have ears* – *деворнинг ҳам қулоғи бор* мақолининг келиб чиқиш тарихи Катерин де Медичи билан боғлиқдир. Ҳақиқатдан ҳам, Катерин де Медичи саройи деворларининг

қулоғи бўлган. Ҳаётининг сўнгги қисмини Католиклар ва Протестантлар мақомини тенгликда сақлаш билан ўтказган Франция қироличасининг Лувр биноси шундай қурилганки, бир хонада айтилган гап бошқа хонага ҳам эшитилиб турган. Худди шу йўл билан Катерин де Медичи бу икки томонни етарли даражада ўрганиб, мамлакат партияларида ўз мувозанатини сақлаб турган.

Инглизча мақоллар уларнинг турфа маънолари, таркибидаги компонентларни ташкил этувчи сўзларнинг хилма хиллиги билан ажралиб туради. Мақол компонентларини ташкил этувчи сўзларни бирма-бир таҳлил қилиш жараёнида биз уларнинг семантик жиҳатдан ранг-баранг эканлигининг гувоҳи бўлдик. Масалан, инсон таъна аъзолари номлари, ўсимлик, ҳайвон номлари каби отлар иштирокида ҳосил бўлган мақоллар шулар жумласидандир. Бундай сўзларни семантикасига қараб, бир неча турга бўлиб таҳлил қилиш мумкин. Қуйида биз уларни аниқ мисоллар билан намоён этишга ҳаракат қиламиз:

1. Инсонларни номлаш учун ишлатиладиган сўзлар – *It is too late husband when all is spent* – Ҳаммасини сарфлаб бўлгандан сўнг тежашнинг ҳожаму йўқ;

2. Ҳайвон номларини ифодаловчи сўзлар – *A cock is valiant on his own dunghill* – Ҳамма ўз уйида ботир. (Хўроз катагида қичқиради.);

3. Мавҳум маъноли сўзлар – *Experience is the mother of wisdom* – Ҳаёмуў тажриба донолик асосидир;

4. Аниқ отларни ифодаловчи сўзлар – *Between the cup and the lip a morsel may slip* – Сувни кўрмасдан этик ечма;

5. Инсон таъна аъзолари номларини ифодаловчи сўзлар – *Two heads better than one* – Бир бош бало бош, икки бош мардона бош;

6. Ҳаракат номини ифодаловчи сўзлар – *Curses like chickens come home to roost* – Бировга чоҳ қазима, ўзинг тушасан. (Бировга қазисанг чоҳ ўзинг тушасан ногоҳ);

7. Ўсимлик номларини ифодаловчи сўзлар – *One beats the bush, and another catches the bird* – Биров қилиб меҳнатни, биров обрў топади;

8. Озиқ-овқат ва овқатланишга доир сўзлар – *All bread is not baked in one oven* – Беш қўл бирдек эмас.

Инсонларни номлаш учун ишлатиладиган сўзлар иштирокидаги мақоллар кўпчиликни ташкил этиб, уларда *fool, friend, father, child, company, beggar, cook* сўзлари етакчилик қилади.

Инглизча мақоллар таркибида иккинчи ўринда турадиган ҳайвон номларини ифодаловчи сўзлар кўздан кечирилганда *dog, bird, fish, horse, cat* лексемалари етакчилик қилса, яъни инглизча мақоллар таркибининг энг асосий манбаи ҳисобланса, *cow, ass, cook, hare* лексемалари эса бу борада иккинчи даражали саналади. Мақоллар ҳосил қилишдаги яна бир навбатдаги манба бу – аниқ отларни ифодаловчи сўзлар бўлиб, улар орасида *house, fire, door* лексемалари асосида кенг тарзда мақоллар яратилиши мумкин. Шунингдек, инглизча *coat, drop, cloud* сўзлари эса бу соҳадаги иккинчи даражали вазифада турган сўзлар қаторига киритилади.

Бундан ташқари, мавҳум маънони ифодаловчи сўзлар ҳам мақоллар яратишнинг асосий манбаларидан бири саналиб, улар ҳам алоҳида таҳлил талаб этувчи сўзлардан бўлиб ҳисобланади. Хусусан, улар орасида *fortune, experience, devil* каби сўзлар инглизча мақоллар таркибида жуда кенг тарқалган мавҳум маъноли сўзлар ҳисобланади. Қолаверса, *honour, hope, conscience* сўзлари ҳам мақол яратишдаги иккинчи даражали сўзлар деб қарасак хато бўлмайди.

Инсон таъна аъзолари номларини ифодаловчи сўзлар ҳам инглизча мақоллар таркибидаги жуда кенг тарқалган лексемалардан бўлиб, улар орасида *hand, heart, belly* сўзлари асосий манба, *head, eye, hair, hide, face, bone, ear, brain, body, chin* сўзлари эса иккинчи даражали лексемалар бўлиб ҳисобланади.

Шунингдек, ҳаракат номини ифодаловчи сўзлар орасида эса *doing, beginning* сўзлари мақол яратишдаги асосий манбалардан ҳисобланади. Яна шуни таъкидлаш жоизки, ўсимлик номлари ва озиқ-овқат номлари иштирокидаги мақоллар камчиликни ташкил этишга қарамасдан, биз улардаги сўзларга ҳам эътибор қаратганимизда улар орасида ўсимлик номларидан *doing, beginning* сўзлари, озиқ-овқат номларидан *grease, butter, chuse, bread* сўзлари асосий манба эканлиги маълум бўлди. Инглизча мақолларни маъно жиҳатдан таснифланганда маълум бир маънони иккита, учта, тўртта ёки бешта мақол ифода этиши мумкин. Уларнинг турфа хил кўринишга, тузилишга эга бўлишига қарамасдан, уларда маъно жиҳатдан умумийлик, бошқача қилиб айтганда, бир хиллик сақланиб қолган. Бундай ҳолатни мақоллардаги синонимия ҳодисаси деб номлаш мумкин. Қуйида уларнинг айримларини мисол тариқасида келтириб ўтамыз:

• **Қарға қарғанинг кўзини чўқимайди –**

- 1) *Hawks will not pick hawk's eyes out.*
- 2) *There is honour among thieves.*
- 3) *Dog does not eat dog.*

• **Сутдан оғзи қўйган қатиқни ҳам пуфлаб ичади –**

- 1) *Burnt child dreads the fire.*
- 2) *The scalded dog fears cold water.*
- 3) *The scalded cat fears cold water.*
- 4) *Once bit, twice shy.*

• **Жўжани кузда санаймиз –**

- 1) *Don't count your chickens before they are hatched.*
- 2) *Never fry a fish till it's caught.*
- 3) *Gut no fish till you get them.*
- 4) *First catch your hare.*
- 5) *Never cackle till your egg is laid.*

• **Ўз уйим ўлан тўшагим –**

- 1) *East or West home is best*
- 2) *Every bird likes its own nest*
- 3) *There's no place like home*

Бундан ташқари, мақол маънолари ичида қарама – қарши маънони ифодаловчи мақолларни ҳам учратиш мумкин. Мисол учун қуйидаги икки мақолга эътибор қилайлик:

A clear conscience laughs false accusations – Кимнинг виждони пок бўлса хотиржам ухлаши мумкин.

A guilty conscience is a self accuser – Кимнинг қалби нопок бўлса хавотирда яшайди.

Бундан ташқари, мақолларнинг структур тузилиши хусусида шуни айтиш мумкинки, вариантланиш уларга хос кенг тарқалган хусусиятлардан биридир. Масалан, *Blind men can (ёки should) judge no colours* – Кўр-кўрона баҳо бермоқ.

Бир мақолнинг таркибидаги компонентларнинг биттаси ёки иккитаси вариантланиш ҳодисасига учраши мумкин. Масалан, бир ўриндаги вариантланиш: *Hunger is the best relish (ёки source) – Очликда ҳеч нарса танланмайди;*

икки ўриндаги вариантланиш: *Name note a halter (ёки rope) in his house that hanged himself (ёки was hanged) – Осилган одамнинг уйида арқон ҳақида гапирма.*

Мақоллар таркибидаги вариантланиш ҳодисасини кузатиш жараёнида яна шундай ҳолатга дуч келиш мумкинки, бунда вариантланиш нафақат маълум бир сўз орқали, балки сўзларнинг бирикма кўринишидаги ҳолати ҳам вариантланиш ҳодисасини ҳосил қилиш мумкин. Масалан:

Let every man praise (ёки speak well of) the bridge he goes over (ёки that carries him over) – Келар эшигингни қаттиқ ёнма.

Бундан ташқари, маълум бир мақол таркибида вариантланиши мумкин бўлган бир йўла икки хил компонентли ҳолатни ҳам учратиш мумкин. Масалан: *Fast (safe ёки sure) bind, fast (safe ёки sure) find – Ўзингни эҳтиёт қил, қўшинингни ўғри тутма.*

Мақолларга хос вариантланиш ҳодисаси – мақоллар хилма-хиллигининг мустаҳкам нормаси ҳисобланади. Улар образ бирлиги ва маъновий мазмуннинг умумийлиги, тилда бажарадиган вазифаларига кўра мос келиши ва ўз категориал (лексик-грамматик) маънолари жиҳатдан бир хиллиги билан тавсифланади.

Паремиологик бирликларни юқорида кўриб чиқилганидек, турли йўсинда таснифлаш мумкин. Шундай бўлса-да, бундай таснифлар объектни тўлиқ қамраб ололмайди. Чунки мақоллар ўзининг кенг кўлами туфайли бунга имкон бермайди. Халқ ҳикматларини лексик, структур, семантик ва бошқа усулда таснифлаш орқали бу масалани қисман ҳал қилиш мумкин. Паремиологик бирликлар халқнинг сўз бойлиги сифатида адабий тилнинг фонетик, лексик, морфологик, синтактик, семантик ва антропоцентрик нуқтаи назардан ўзига хос кўплаб хусусиятларини атрофлича ўрганиш учун асосий манба сифатида лингвистик тадқиқотлар объекти бўлиб хизмат қилади. Мақолларга хос юқорида баён қилинган хусусиятларнинг ҳар бири алоҳида тадқиқотни талаб қилади. Шундай экан, таҳлил қилинган мазкур хусусиятлар ҳам паремиология соҳасида янгича тадқиқотларга асос бўлади, деган умиддамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Radford E. Unusual Words and How They Came About. Moscow-Leningrad. Prosvescheniye. 1964. – 254 с
2. Ш.С.Ашуров, Миллий қадриятларни ифодаловчи ўзбекча мақолларнинг инглизча муқобилларига хос лексик хусусиятлар. // Хорийй лингвистика ва лингводидактика / Том 1 № 2 (2023) Issue –1No 1(2023) / ISSN 2181-3701. <https://inscience.uz/index.php/foreign-linguistics/article/view/2497/2771>
3. Ш.С.Ашуров, Инглиз ва ўзбек тилларидаги интернационал мақоллар таржимасидаги ассиметрик ҳолатлар. // Молодой ученый / Международный научный журнал. № 18 (308), 2020. С. 384-386. <https://moluch.ru/archive/308/69407/>
4. Ashurov S. S., Suvonova N. N. Linguistic, Psychological and Theological Interpretation of “White” Colour (in the example of the French and Uzbek languages) //Journal of Positive School Psychology. – 2022. – С. 9550–9560-9550–9560.

5. Мезенцева Е.С. Пословичный фонд языка как фрагмент языкового сознания этноса // Вестник КазНУ. -№2. 2005. – с. 25.

6. Сувонова Н. Некоторые проблемы перевода узбекских пословиц на французский язык //Ученый XXI века. Международный научный журнал № 2-5 (15), 2016. –С. 46-49. http://www.uch21vek.com/assets/uch21vek_2_5_2016.pdf

7. Н.Н.Сувонова, Л.Б.Долиева, Французча ономотопик феъллар иштирокидаги ибораларда инсон руҳияти тасвири // Ўзбекистонда хорижий тиллар. – 2020. – № 2 (31). – Б. 65–79. // Scientific-methodological electronic journal “Foreign Languages in Uzbekistan” <https://journal.fledu.uz>

8. Шведова И.Ю. Теоретические результаты, полученные в работе над «Русским систематическим словарем» //Русский язык. -№1. 1999. –С.13.